

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ЮЛДОШЕВ ЮСУФ ШЕРАЛИЕВИЧ

**НУТҚ СИГНАЛЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Юлдошев Юсуф Шералиевич

Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш алгоритмлари 3

Юлдошев Юсуф Шералиевич

Алгоритмы предварительной обработки речевых сигналов 21

Yuldoshev Yusuf Sheralievich

Pre-processing algorithms for speech signals 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ЮЛДОШЕВ ЮСУФ ШЕРАЛИЕВИЧ

**НУТҚ СИГНАЛЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T894 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабомурадов Озод Жўраевич
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
техника фанлари доктори, профессор

Мирзаев Олимжон Намозович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон миллий университети


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «17» апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (198 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «6» апрел да тарқатилди.
(2021 йил «01» апрел даги 1 рақамли реестр баённомаси.)




Р. Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ф. М. Нуралiev
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент


М.А. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссияси илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нутқ сигналларига рақамли ишлов бериш, нутқ сигналлари асосида шахсни таниб олиш, нутқни матнга ўтказиш ҳамда тимсолларни таниб олиш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда. «Сўнгги йилларда нутқга асосланган интеллектуал тизимларни яратиш жадал ривожланаётган йўналишлардан бири бўлиб, у анъанавий таниб олиш усуллари ютуқларидан фойдаланиш билан бирга улар орқали ечиб бўлмайдиган масалаларни ечиш имкониятига эга»¹. Ушбу йўналишда рақамли сигналларни интеллектуал таҳлил қилишнинг асосий функционал масалалари синфлаштириш, таснифлаш, таниб олиш, башоратлаш ва баҳолаш, қонуниятларни аниқлаш, қарор қабул қилиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда иловаларини яратиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда нутқни таниб олиш технологияларига асосланган кўплаб иловалар ишлаб чиқилган. Хорижий мамлакатларда, жумладан Хитой, Россия Федерация, АҚШ, Англия, Германия, Ҳиндистон, Франция ва бошқа давлатларда нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш ҳамда нутқни таниб олиш йўналишларининг назарий ва амалий масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда нутқ сигналларини қайта ишлаш, нутқ сигнали белгиларини ажратиш, нутқни таниб олиш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, нутқ сигналлари сифатини ошириш, нутқ сигналдаги фойдали нутқ жойлашган соҳасини топиш ва уни характерловчи белгиларини аниқлаш, таниб олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда нутқ моделлари ва автоматлаштирилган таниб олиш тизимларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда мазкур йўналишда ўзбек тилидаги нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш, интеллектуал таҳлил қилиш ва таниб олишга мўлжалланган автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қарши ҳаракатларни ташкил этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда жумладан, нутқ сигналларидан фойдаланиб шахсни идентификациялаш, нутқни матнга ўтказиш ҳамда нутқ орқали бошқариш тизимларини яратиш ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларидан

¹ https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Речевые_технологии:_на_пути_от_распознавания_к_пониманию

² Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

бири ҳисобланади. Бу борада, нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмларини, шахсни таниб олиш ва нутқ сигналлари информатив белгиларини аниқлашни инобатга олган ҳолда ривожлантириш шунингдек, кириш-чиқишни назорат қилиш ҳамда овозли мурожаатларни таҳлил қилиш тизимларида қўллаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялар ва коммуникацияларини жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нутқ сигналига дастлабки ишлов бериш, қайта ишлаш ва таниб олиш модел, усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларини ечиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича хорижий олимлардан Михайлов В.Г., Сапожков М.А., Назаров М.В., Прохоров Ю.Н., Ланнэ А. А., Грэй А. Х., Маркел Дж.Д., Рабинер Л. Р., Ситняковский И.В., Шафер Р.В., Шалимов И.А., Петровский А.А., Ковалгин Ю.А., Итакура Ф., Рейдер Ч., Макхоул Дж ва бошқаларнинг илмий ишлари диққатга сазовор.

Ўзбекистонда таниб олиш ва нутқ сигналларини таҳлил қилиш назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Э.М.Алиев, Р.Ҳ.Ҳамдамов, М.М.Мусаев, Н.А.Игнатъев, С.С.Содиқов, Н.С.Маматов, Н.М.Мирзаев, С.С.Раджабов, Ш.Е.Туляганов ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда нутқ сигналларига ишлов бериш асосида шахсни таниб олиш тизимлари ва нутқни таниб олиш технологиялари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу йўналиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, нутқ сигналларини таҳлил қилиш асосида нутқни таниб олиш технологиялари энг яхши, истиқболли технологияларидан бири ҳисобланади. Бироқ, бундай технология асосида шахсни ва нутқни таниб олиш автоматлаштирилган тизимларини яратишда вужудга келадиган муаммолар ҳозирги кунгача етарли даражада ҳал этилмаган. Бундан ташқари, дастлабки ишлов бериш асосида шахсни ва нутқни таниб олиш ихчам, ишончли, мустақил ва юқори тезликни таъминловчи усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БВ-Атех-2018 «Юз тасвирларини оқимли қайта ишлаш асосида шахсни идентификация қилиш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2018-2020), №М-Ф4-09 «Норавшан муҳитда мураккаб тузилмали ахборотларга ишлов бериш, таниб олиш ва башоратлашнинг баҳоларини интеллектуал тизимлари» (2015-2020), №ПЗ-201906202 «Ўзбек тилидаги матнли ахборотларни таҳлил қилиш ва таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш» (2019-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли шароитларда ёзиб олинган нутқ сигналларини халақитларини камайтириш ва силлиқлаш, частотали соҳаларига ишлов бериш, нормаллаштириш ва сегментлаш алгоритмлари ҳамда дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқ сигналидаги халақитларни камайтириш ва силлиқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

нутқни частотали соҳаларига ишлов бериш усулини такомиллаштириш; кирувчи сигналдан нутқ жойлашган соҳани аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

нутқ сигналинини нормаллаштириш ва сегментлаш алгоритмларинини ишлаб чиқиш;

шахсни овози асосида идентификациялаш ва нутқни таниб олиш масалаларинини ечиш учун белгилар фазосинини шакллантириш;

нутқ сигналларига дастлабки ишлов беришнинг алгоритмик ва дастурий мажмуасинини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли шароитларда ёзиб олинган нутқ сигналлари, уларга ишлов бериш усул ва алгоритмлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини сигналларга дастлабки ишлов бериш, қайта ишлаш, тимсолларни таниб олиш усул ва алгоритмлари ҳамда дастурий таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари тизимли таҳлил, имитацион моделлаштириш, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, дискрет математика, сигналларга ишлов бериш ва тимсолларни таниб олиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халақитнинг спектрал зичлигинини инобатга олган ҳолда нутқ сигналидаги халақитларни камайтириш ва силлиқлаш алгоритминини ишлаб чиқилган;

экстремумларни тарқалиш қонуниятлари асосида нутқ жойлашган соҳани аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқилган;

сигнал-халақит муносабатларини аниқлаш орқали нутқ частотали соҳаларига ишлов бериш усули такомиллаштирилган;

нутқ сигнали сифатига таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда нормаллаштириш ва сегментлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

нутқ сигнални дискретлигини инобатга олган ҳолда шахсни овози асосида идентификациялаш ва нутқни таниб олиш масалаларини ечиш учун белгилар фазосини шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нутқ сигналидаги халақитларни камайтириш, силлиқлаш, нормаллаштириш, сегментлаш ва таниб олиш масалаларини ечиш учун белгилар фазосини шакллантириш алгоритмлари ҳамда нутқнинг частотали соҳаларига ишлов бериш усули ишлаб чиқилган;

мавжуд ҳамда ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларга асосланган нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш ва шахсни нутқи асосида таниб олиш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алгоритмларни ишлаб чиқишда нутқ сигналларига ишлов бериш ва тимсолларни таниб олишнинг математик аппаратининг тўғри қўлланилиши ҳамда тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш асосида шахсни биометрик идентификациялаш технологияларининг назарий асосларининг истиқболли ривожланишига ишлаб чиқилган алгоритмларнинг ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий мажмуа шахсни ва нутқни таниб олиш автоматлаштирилган тизимларини яратишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нутқ сигналларига дастлабки ишлов беришнинг мавжуд ҳамда таклиф этилган усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот асосида:

нутқ сигналидаги халақитларни камайтириш ва силлиқлаш, нутқнинг частотали соҳаларига ишлов бериш ва таниб олиш масалаларини ечиш учун белгилар фазосини шакллантириш усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ҳамда Қамаши туман ҳокимиятларида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 33-8/7838-сон маълумотномалари). Натижада аудио маълумотларни таҳлил қилиш учун кетадиган вақтни ўртача 15% қисқартириш имконини берган;

нутқ сигнални нормаллаштириш ва сегментлаш, нутқ сигналларидаги халақитларни камайтириш, таниб олиш масалаларини ечиш учун белгилар фазосини шакллантириш, силлиқлаш усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманлараро фуқаролик суди ҳамда Шаҳрисабз туман ички ишлар бошқармасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 33-8/7838-сон маълумотномалари).

Натижада нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш, силлиқлаш, филтрлаш, турли халақитлардан тозалаш орқали нутқни юқори аниқликда ифодаланилишини таъминлаш ва аудиомаълумотларни таҳлил қилиш учун кетадиган вақтни 15% га қисқартириш ва уни тушуниш самарадорлигини ўртача 20% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларини қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш муаммолари**» деб номланган биринчи боби, нутқ сигналларига дастлабки ишлов беришнинг замонавий ҳолатини ўрганишга бағишланган. Унда нутқ сигналларига қўйиладиган талаблар ва ишлов бериш усуллари таҳлиллари ҳам келтирилган бўлиб, нутқ сигналларига ишлов беришнинг оммалашган усулларининг ютуқ ва камчиликлари ҳамда нутқ сигналларига ишлов бериш соҳасидаги асосий муаммолар баён этилган. Бундан ташқари, нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш асосида шахсни таниб олиш муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари ва тадқиқот иши масаласининг қўйилиши келтирилган.

1.1-параграфда нутқни узатиш каналининг хоссаси, луғат ўлчами, нутқнинг ўзгарувчанлиги, атрофдаги халақит даражаси, нутқ тури каби кўплаб параметрлар таҳлили асосида нутқни автоматик таниб олиш тизимларига кирувчи дастлабки нутқ сигналларига қўйиладиган талаблар келтирилган.

1.2-параграфда фойдаланувчи нутқ сигналининг ўзига хос хусусиятлари ва нутқни таниб олиш тизимларини яратишдаги муаммолар таҳлили асосида

нутқ сигналларини ишлов бериш тизимларига бўлган асосий талаблар ишлаб чиқилган.

1.3-параграфда нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш усуллари таҳлил этилган бўлиб, унда нутқ табиати ташкил этувчилари таснифланган, нутқ сигнаliga ишлов беришнинг мавжуд тизимлари камчиликлари аниқланган, шовқинларни камайтириш алгоритмларини ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, нутқ ва халақитларни моделлаштириш, спектрни созлаш функцияси, нутқнинг стационарлик даврини инобатга олган ҳолда мавжуд алгоритмларни такомиллаштириш зарурлиги асосланган.

1.4-параграфда суҳандонни идентификация қилиш тизимларининг халақитларга нисбатан барқарорлик даражасини ошириш босқичлари таклиф этилган бўлиб, улар асосида диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.


Диссертациянинг «**Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари таҳлили**» деб номланувчи иккинчи боби 3 та параграфдан иборат бўлиб, нутқ сигналини нормаллаштириш ва фойдали нутқ жойлашган соҳани ажратиш, халақитларни аниқлаш, сегментлаш ва характерловчи параметрларини баҳолашнинг мавжуд усул ва алгоритмларни баён этишга бағишланган.

2.1-параграфда нутқ сигналини дискретлаш, нормаллаштириш усул ва алгоритмлари таҳлили асосида уларнинг ютуқ ва камчиликлари аниқланган.

Таниб олиш масаласи учун тенг бўлмаган вақт давомийлик фрагментларига автоматик сегментлашни амалга ошириш учун сегментлаш алгоритмида қуйидагиларни бўлиши талаб этилади:

1. нутқ сигнали сегментларининг детектирланган турлари (нутқ сигнал фрагментларини тўхталишлар, халақитли, портловчи товушларига таснифлаш);
2. сегментларнинг вақт чегараларини аниқлаштириш (қайта ўтиш алгоритми);
3. нутқ сигнал сегментларини параметрлаш;
4. нутқ сигнал сегментларининг таркибини таҳлил қилиш ва созлаш (алоҳида фонемаларга мос келадиган сегментларга ажратиш мумкин бўлган қуйи сегментларни батафсил таҳлил қилиш);
5. танланган фонемаларни таснифлаш.

2.2-параграфда нутқ сигналларини сегментларга ажратиш усуллари таҳлил қилиниб, турли математик ёндашувларга асосланган алгоритмлар таҳлил этилган бўлиб, унда сегментлаш масаласини ечишда асосий тон даврини балаҳолаш алгоритмларининг қуйидаги таснифи тавсия этилган.



1-расм. Нутқ сигнали асосий тон даврини баҳолаш алгоритмлари таснифи

2.3-параграфда нутқ сигналлари белгиларини шакллантиришнинг мавжуд ва таклиф этилган алгоритмлари баёни келтирилган бўлиб, унда нутқ сигнали белгилар векторини шакллантириш учун *А1 алгоритм* таклиф этилган ва у қуйидаги қадамлардан иборат.

1-қадам. Кириш сигналини нормаллаштириш, бунда унинг амплитудаси текисланиб, юқори частоталар кучайтирилади. Қуйи частота форманталари юқори частотага нисбатан катта амплитудага эга бўлади, шунга қарамай юқори частота форманталари ҳам таниб олиш учун муҳим ахборотни ўз ичига олади. Шунинг учун кириш сигналга (якуний импульс характеристика) ЯИХ-фильтри қўлланилади:

$$s'(n) = s(n) - 0.95 \cdot s(n-1).$$

2-қадам. Сигналнинг қисқа вақтли (~ 32 мс) қисмини ажратиб олиш ва спектр тушиб қолишини минималлаштириш учун ойна функцияси $w(k)$ ни қўллаш. Ҳосил бўлган бўлак K узунликдаги намунадан иборат фрейм деб номланиб, навбатдаги амаллар фрейм доирасида бажарилади:

$$x_t(k) = s'(k + t \cdot K) \cdot w(k), 0 \leq k \leq K - 1.$$

Шундай қилиб, кириш сигнали $s'(n)$ ҳар бир фрейми учун $0 \leq t \leq T$ ораликда белгилар вектори шакллантирилади. Ойна функцияси сифатида одатда Хемминг функциясидан фойдаланилади, яъни:

$$w(k) = 0.54 - 0.46 \cdot \cos\left(\frac{2\pi k}{K-1}\right)$$

3-қадам. Фрейм учун дискрет Фурье алмаштиришни ҳисоблаш:

$$X_t(m) = \sum_{k=0}^{K-1} x_t(k) \cdot e^{-j \frac{2\pi mk}{K}}$$

Дискрет Фурье алмаштиришни ҳисоблаш учун тез Фурье алмаштириш алгоритми қўлланилади.


4-қадам. Частота соҳаси бўйича Q мел-фильтрлар тўпламини фреймга қўллашда ҳар бир q –фильтр чиқишида ўзининг ўтказиш полосаси бўйича $Y_t(q)$ энергия олинади. Шундай қилиб, шахснинг нутқи моделлаштирилади: спектр бўйлаб паст частотадан юқори частотага ўтишда эшитиш аниқлиги ошади. Мел-фильтрларининг марказий частоталари F_q одатдаги логарифмик

қонуниятга боғлиқ бўлган мел – шкаласи деб номланган шкала бўйича танланади (2-расм):

$$F_{mel} = 2095 \cdot \log_{10} \left(1 + \frac{F_{Hz}}{700} \right).$$

Одатда Мел-фильтрлари 0 дан $F_{Hz}^{\max} = 8kHz$ гача бўлган частота оралиқда жойлашган бўлади. Агар F_{mel}^{\max} мел – шкалада F_{Hz}^{\max} га мос келувчи частота аниқланиб, 0 дан F_{Hz}^{\max} гача бўлган оралиқ Q тенг бўлақларга бўлиниб, ҳар бир қиймат учун унга мос F_{Hz} частота мавжуд бўлса, у ҳолда Q частота қийматлари аниқланади ва улар орасидаги масофа логарифмик қонуниятга мувофиқ ўсади. Мел-шкаладан анъанавий шкалага ўтиш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$F_{Hz} = 700 \cdot \left(10^{\frac{F_{mel}}{2095}} - 1 \right).$$




2-расм. Мел-шкаласи частоталарига оддий шкала частоталарининг мослиги

Марказий частоталар аниқлангандан сўнг, учбурчак шаклга эга бўлган филтрларнинг амплитуда-частота характеристикаларини ҳисоблаш талаб этилади (3-расм):

$$U_q(k) = \begin{cases} 1 - \frac{|k - F_q|}{\Delta_q}, & |k - F_q| < \Delta_q, \\ 0, & |k - F_q| \geq \Delta_q. \end{cases}$$

Фильтрларнинг ўтказиш полосалари ҳам логарифмик қонуниятга мувофиқ ўсади, кейинги филтрнинг ўтказиш полосаси олдинги ҳар бирининг ўтказиш полосаси ўртасигача "сурилади". Бунда мел-фильтрларни устма-уст қўйиш орқали Q фреймнинг энергия қиймати ҳисобланади:

$$Y_i(q) = \sum_{k=0}^{K-1} |x_i(k)| \cdot U_q(k).$$



3-расм. Q=24 мел-фильтрларнинг АЧХси


5-қadam. $Y_t(q)$ ни логарифмлаш ва гомоморфик алмаштириш амалга оширилади. Қўзғалиш сигналини фильтр характеристикасидан ажратиб олиш учун $Y_t(q)$ модули логарифми ҳисобланади:

$$L_t(q) = \log |Y_t(q)|$$

6-қadam. Тескари дискрет Фурье алмаштириши (ТДФА) амалга оширилади. Бунда $L_t(q)$ учун ТДФАни ҳисоблаш орқали кепстрал коэффицентлар олинади ва $L_t(q)$ ҳақиқий ва симметрик бўлганлиги сабабли, тескари дискрет Фурье алмаштириши дискрет косинус алмаштиришига эквивалент бўлади:

$$o_t(p) = \sum_{q=1}^Q L_t(q) \cdot \cos \left(p \cdot \left(q - \frac{1}{2} \right) \cdot \frac{\pi}{Q} \right), p = 0, \dots, P.$$

Сўнгра P коэффицентлар олинади, P ва Q тенг бўлиши мумкин бўлса-да, одатда MFCC (Mel Frequency Cepstral Coefficients) қийматларининг фақат ярмидан фойдаланилади. Бунинг сабаби, қўзғалиш сигналининг кепструми вокал трактининг кепструмининг "ўнг томонида" бўлишидир. Шундай қилиб, t – чи фрейм учун кепстрал коэффицентларини ўз ичига олган p -ўлчамли вектор $o_t(p)$ таниб олувчига келади. 4-расмда 32 мс ли фрейм учун MFCC /a/ унлисининг бешта мисоллари учун кўрсатилган.



4-расм. /a/ унлисининг бешта мисоллари учун бир фрейм MFCCси

4-расмдан битта талаффуз қисми учун MFCC қийматлари ҳар хил талаффуз мисоллари учун яқин эканлигини кўриш мумкин.

7-қadam. Тамом.

Таклиф этилаётган белгилари сонини камайтириш ҳисобига тизим ишлаши учун сарфланадиган вақтни камайтириш **A2 алгоритми** қуйидагича амалга оширилади.

1-қадам. Нутқ сигналини қабул қилиш. Бунинг учун 16000 Гц ва 16 битда ёзилган *.wav форматдаги файл яратиш.

2-қадам. Нутқ сигналдан қуйидаги қонунният асосида белгилар ажратиб олиш.

$$s_i = \frac{1}{L} \sum_{j=i-L}^{(i+1) \cdot L} x_j$$

бу ерда x_j – берилган нутқ сигнали белгиларидан иборат вектор. L – қадам.

3-қадам. Белгиларни ажратиш яъни ҳар бир s учун Мел-частотали кепстрал коэффициентлар (MFCC) ҳисобланади.

4-қадам. Шахс нутқи моделини қуришни ва у асосида нутқ сигналини таниб олишни амалга ошириш.

5-қадам. Тамом.

Диссертациянинг «**Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини ишлаб чиқиш**» деб номланувчи учинчи боби нутқ сигналларини нормаллаштириш, нутқли соҳаларни аниқлаш, нутқ сигналининг фойдали ва тўхталиш қисмини ажратиш ҳамда халақитлардан тозалаш алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.


3.1-параграфда нутқ сигналларини нормаллаштириш ва нутқ сигналдан фойдали қисмини ажратиш алгоритмлари баёни келтирилган.

Овоз баландликдаги кучли ўзгаришларни йўқотиш учун одатда амплитуда бўйича нормаллаштириш процедураси қўлланилади. Ушбу усул ёрдамида сигнал амплитудаси $\left[\frac{\Delta}{2}, -\frac{\Delta}{2} \right]$ оралиққа келтирилади (5-расм).

Нормаллаштирилган сигнал $\hat{s}[n]$ намуналарини олиш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\hat{s}[n] = \frac{\Delta}{\max_m |s[m]| + 1} \cdot s[n]$$

бу ерда Δ – нормаллаштириш бўлаги кенглиги, абцисса ўқига нисбатан симметрик (масалан, 5-расмда $\Delta = 1$).



5-расм. Нормаллаштиришгача (а) ва нормаллаштиришдан сўнг (б) рақамлаштирилган нутқ сигнали

Овоз баландлиги ўзгарувчанлигини баҳолаш учун бир ёки бир нечта сўзлар талаффузининг Q та тўплами кўриб чиқилади q –чи намуна учун $M(q)$, баландликнинг ўртача қийматини N намуналар узунлиги билан ва Q намуна учун $M(q)$ ўртача қиймати қуйидагича аниқланади:

$$M(q) = \sum_{n=1}^N |s[n]|, q = 1, \dots, Q; \quad (1)$$

$$M_Q = \frac{1}{Q+1} \sum_{q=1}^Q M(q). \quad (2)$$

Ҳар бир намуна баландлиги ва ўрта қиймат орасидаги нисбий фарқ $D(q)$ ҳисобланади:

$$D(q) = \left| 1 - \frac{M(q)}{M_Q} \right|.$$

(1), (2) формулалардан натижага намунанинг абсолют қиймати ва уларнинг умумий сони ҳам таъсир қилишини кўриш мумкин. Шунинг учун битта синфга тегишли бўлган намуналар тўплами баландлигини ўзгарувчанлигини, унинг узунлиги тахминан бир хил бўлиши ва тўлиқ базадаги овоз баландлиги ўзгарувчанлигини баҳолашни талаб этилади.

Экстремумлар тақсимотининг хусусиятидан фойдаланиб, кириш сигналдан нутқ сигнални ажратиш олиш **А3 алгоритми** ишлаб чиқилган.

Бу алгоритм қуйидагича амалга оширилади.

1-қadam. Нормаллаштириш модули – микрофон орқали олинган сигнал амплитудаси 10 мс кенгликдаги сурилувчи ойна орқали нормаллашади. Ушбу процедура овоз ва қурилманинг индивидуал хусусиятларига кўра сигнал баландлиги ўзгарувчанлигини бартараф этиш учун зарур. Барча қисмлар бир хилда овоз баландлиги қийматига кўтарилиши учун ойна ичида нормаллаштириш амалга оширилади.

2-қadam. Сигнални қамраб олувчи эгри чизиқни қуриш модули қўлланилади. Бунда паст амплитудали тебранишларни текисланади.

3-қadam. Нормаллаштириш модули қўлланилади. Бунда қамраб олувчи эгри чизиқ қурилиши туфайли сигнални такрорий нормаллаштириш керак.

4-қadam. m -қисм учун экстремумлар тақсимотини топиш модули қўлланилади.

5-қadam. Ҳал қилувчи мантиқ модули қўлланилади. Бунда сигналнинг m - қисми нутқ ёки халақитга эга эканлиги бўйича қарор қабул қилинади. Ҳал қилувчи мантиқ сифатида уч қатламли тўлиқ боғланган тўғри тарқалувчи нейрон тармоғи танланди. Шу билан бирга, тармоқни ишлатишдан олдин, у ўқитилиши керак, унинг учун ўқитиш модули жавоб беради.

3.2-параграфда ишлаб чиқилган сегментлаш алгоритмларининг баёни келтирилган. Сигналнинг сўнувчи қисмини ажратиш алгоритмларини ҳисоблаш мураккаблигини камайтириш учун биринчи қадамда нутқ сигнали

локал максимумлари тўплами M қуйидаги қоида бўйича шакллантирилади, бунда дастлаб $M = \emptyset$ деб олинади.

Агар $(s(i) > s(i-1) \text{ ва } s(i) > s(i+1))$ бўлса, у ҳолда $M = M \cup i, i = \overline{1, N}$, бу ерда i – нутқ сигналининг бошланғич саноклари сони, $s(i)$ – нутқ сигнали қийматлари. Кейинчалик сўнувчи қисмнинг санок рақамлари итератив кўринишда M тўплам элементларидан олинади. Агар $s(n)$ -да сўнувчи қисмларнинг жорий санок сонлари сифати қабул қилинган бўлса, у ҳолда кейинги $s(n+1)$ сўнувчи қисм саноклари қуйидагича аниқланади:

$$\begin{cases} K = \{m \in M \mid n < m < n + L\}, \\ s(n+1) \in K, \\ \forall k \in K \mid s(n+1) \geq s(k), \\ \{k \in K \mid (s(n+1) = s(k) \wedge (n+1) < k)\} = \emptyset. \end{cases}$$

Бунда L параметрдан сўнувчи қисм саноклар ўртасидаги масофасини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Таклиф этилаётган нутқ сигналининг сўнувчи қисмларини олиб ташлаш **A4 алгоритми** қуйидагича амалга оширилади.

1-қadam. Нутқ файли асосида f вектор шакллантирилади.

2-қadam. ε га қиймат ўзлаштирилади.


3-қadam. унинг қиймати ҳисобланади:

$$y = \begin{cases} 0, & f(i) < \varepsilon, \\ 1, & f(i) \geq \varepsilon. \end{cases}$$

4-қadam. f вектор ўлчамини камайтириш амалга оширилади, яъни $y=0$ бўлса, у ҳолда унга мос элемент f вектордан чиқариб юборилади.


5-қadam. Тамом.

Масалан, $\varepsilon = 50$ учун натижа 6-расмда келтирилган:




6-расм. Сўнувчи қисмли ва сўнувчи қисмсиз нутқ сигнали

3.3-параграфда халақитлардан тозалашнинг такомиллаштирилган алгоритмлари баёни келтирилган бўлиб, у ишда **A6** алгоритм деб номланган. Халақитни камайтириш икки босқичли **A6 алгоритмининг** блок-схемаси 7-расмда келтирилган.



7-расм. Халақитни камайтириш икки босқичли алгоритми блок схемаси

Таклиф этилган юмшоқ ниқобга асосланган икки босқичли **A8 алгоритми** қуйидаги блок-схема асосида амалга оширилади.



8-расм. Юмшоқ ниқобга асосланган халақитни пасайтириш алгоритмининг блок-схемаси


Халақитни камайтириш алгоритмини модификацияланган икки босқичли халақитни пасайтириш алгоритмининг биринчи босқичи сифатида қўлланилиши мумкин. Иккинчи босқич учун спектрни тўғрилаш функцияси

сифатида қисқа муддатли спектр амплитудасининг минимал ўртаквadratic хатолиги спектрни коррекциялаш функциясини танлаш таклиф этилади.

Диссертациянинг «**Дастурий мажмуа ва унинг амалий масалаларда қўлланилиши**» деб номланувчи тўртинчи боби нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш дастурий мажмуасини яратиш, тажрибавий тадқиқотлар натижаларини баён этиш ва амалий масалаларни ечишга бағишланган.

4.1-параграфда таклиф этилган, мавжуд ва такомиллаштирилган алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа баёни келтирилган бўлиб, у нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш, нутқ сигналлари белгиларини ажратиш олиш ва шахсни таниш олишга мўлжалланган.

9-расмда модуллилик тамойили асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуанинг асосий ойнаси келтирилган.



9-расм. Дастурий мажмуанинг асосий ойнаси

4.2-параграфда тажрибавий тадқиқот натижалари келтирилган. MFCC ва LPC (Linear Predictive Coding) коэффицентларини ҳисоблаш алгоритмларини модификация натижаларини тадқиқот қилиш учун Pythonда оддий шароитда ёзилган чекланган ҳар хил матнларининг товуш сўзларни таниш олиш тизимидан фойдаланилган. Ушбу ишда нутқ фонограммаларининг етарлича катта товуш матнлари базасидан фойдаланиш зарурати туфайли, https://www.dropbox.com/s/87v8jxxu9tvbkns/development_set.zip?dl=0 ва ўзбек тилидаги маълумотлар базасидан дискретизация частотаси 16кГц бўлган 170та ҳар хил матн фонемаларидан фойдаланишга қарор қилинди.

Базани шакллантиришда 34та суҳандон овозидан фойдаланилган. Синов ва тестлаш гуруҳларнинг суҳандонлари кесишмаган. Натижалар қуйида 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Такомиллаштирилган MFCC+VQ, LPC+VQ ва MFCC+GMM алгоритмлари асосида шахсни овози орқали таниб олиш аниқлиги

	Асосий	2->1	4->1	8->1	16->1
LPC+VQ	73%	82%	81%	79%	72%
MFCC+VQ	84%	89%	85%	78%	73%
MFCC+GMM	86%	92%	87%	80%	84%

1-жадвалда кўриб чиқилган модификацияланган алгоритмларининг таниб олишдаги натижалари MFCC алгоритмига нисбатан яхшиланганлиги кўрсатилган. R нинг нисбий яхшиланиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$RI = \frac{RR_A - RR_{MFCC}}{100 - RR_{MFCC}} \times 100\%.$$

Такомиллаштирилган MFCC+VQ ва LPC+VQ коэффициентларини ҳисоблаш алгоритмларини 5 та суҳандон томонидан студияда бирхил матндан ёзиб олинган товушларини 15 та файли таниб олиш тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган. Такомиллаштирилган MFCC+VQ

2-жадвал

Такомиллаштирилган MFCC+VQ, LPC+VQ ва MFCC+GMM алгоритмлари асосида шахсни овози орқали таниб олиш аниқлиги

	Асосий	2->1	4->1	8->1	16->1
LPC+VQ	87%	93%	93%	90%	86%
MFCC+VQ	85%	85%	83%	90%	89%
MFCC+GMM	98%	99%	99%	97%	96%

4.3-параграфда дастурий мажмуадан фойдаланиб амалий масалаларни ечиш натижалари келтирилган.

Мавжуд ва диссертация ишида таклиф этилган усул ва алгоритмлар асосида нутқ сигналларидаги ҳалақитларни камайтириш ва силлиқлаш, нутқ сигналлини нормаллаштириш ва сегментлаш, нутқ жойлашган соҳани аниқлаш, белгилар фазосини шакллантириш ва таниб олиш масаласи ҳал этилган. Бу аудиомаълумотларни таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтни ўртача 15% га қисқартиришга ва уни тушуниш самарадорлигини ўртача 20% га оширишга имконини берди.

Олинган натижалар мазкур соҳа мутахассислари томонидан яхши қабул қилинди. Хулосалар эса кейинги тадқиқотларда нутқни матнга ўтказиш ва шахсни таниб олиш самарадорлигини ошириш ҳамда информатив белгиларга нисбатан олиб борилиши орқали таниб олиш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Таклиф этилган усул ва алгоритмлар асосида нутқ технологияларини ривожлантириш орқали амалий тадқиқотларда келажакдаги ишларни режалаштириш кўплаб соҳа мутахассисларига қулайликлар туғдирди ва ортиқча сарф-харажатларни камайтирди.

ХУЛОСА

“Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш алгоритмлари” мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқотининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш мавжуд алгоритмлари таҳлил қилинди ва уларнинг кучли томонлари ҳамда камчиликлари аниқлаб олинди. Бу мавжуд камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

2. Нутқ сигналини сегментларга ажратишнинг турли халақитларга турғун ва тезкор бўлган алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмлар турли хил шароитлардан ёзиб олинган нутқ сигналларини қайта ишлаш имконини беради.

3. Частоталар соҳасида ва вақтли соҳада белгилар векторини шакллантиришда турли хил ёндашувлар таҳлил қилинди ва белгилар векторини шакллантириш усули сифатида такомиллаштирилган мел кепстрал коэффициентлар усули мақбул эканлиги аниқланди. Бу нутқни таниб олиш самарадор тизимларини ишлаб чиқиш имконини беради.

4. Тўпланган экспериментал нутқ базасида кўплаб омиллар туфайли юзага келадиган нутқ сигналлари баландлигининг ўзгарувчанлиги ўрганилди: қурилмаларнинг сезгирлиги, овознинг доимий равишда ўзгариб турадиган баландлиги ва бошқалар. Нутқ баландлиги ўзгарувчанлигини камайтириш имконини берадиган нормаллаштириш алгоритми таклиф этилди.

5. Халақитли нутқ сигнали чегараларини аниқлашга имкон берадиган кириш сигналининг локал экстремумлари тақсимотини таҳлил қилиш асосида нутқни ажратиб олишнинг янги усули таклиф этилди. Нормаллаштириш, ҳал қилувчи мантиқ, қамраб олувчи эгри чизиқни топиш ва экстремумлар тақсимотини топиш блокларидан иборат бўлган нутқни ажратиб олиш алгоритми таклиф этилди. Мазкур алгоритм нутқни таниб олиш учун нисбатан информатив нутқ сигналини олиш имконини беради.

6. Частоталар соҳасида халақитни камайтириш усуллари кўриб чиқилди. Нутқ ва халақитларни моделлаштириш, спектр коррекция функциясини танлаш, сигнал/халақит муносибатининг априор баҳолаш каби масалалар кўриб чиқилди. Нутқ сигналида халақит ва халақитларни камайтириш учун бинар ниқоблардан фойдаланиш, шу билан бирга халақитларни камайтиришдаги янги йўналиши юмшоқ ниқоблар усуллари кўриб чиқилди. Бундан ташқари такомиллаштирилган частотали соҳада халақитни камайтириш икки босқичли алгоритми ва юмушоқ ниқобга асосланган икки босқичли алгоритми таклиф этилди.

7. Нутқ сигналларига дастлабки ишлов беришнинг мавжуд ва таклиф этилган алгоритмларни ягона интерфейсга бирлаштирувчи дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. Дастурий мажмуани ишлаб чиқишда унинг ишончилиги билан бирга тезкорлик масаласи ҳам эътиборга олинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ЮЛДОШЕВ ЮСУФ ШЕРАЛИЕВИЧ

**АЛГОРИТМЫ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ ОБРАБОТКИ РЕЧЕВЫХ
СИГНАЛОВ**

05.01.03 - Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/T894.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Бабомуратов Озод Жураевич**
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Мухамедиева Дилноз Тулкуновна**
доктор технических наук, профессор

Мирзаев Олимжон Намозович
доктора философии по техническим наукам

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «17» апреля 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65- c-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №112). (Адрес: 100202, Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «1» апреля 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «01» апреля 2021 г.).






Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралiev
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент


М.А.Исмаилов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется усовершенствованию, разработке и внедрению методов и алгоритмов цифровой обработки речевых сигналов, идентификации личности на основе речевых сигналов, преобразования речи в текст и распознавания образов. «В последние годы создание речевых интеллектуальных систем стало одним из самых быстрорастущих направлений, использующим методы искусственного интеллекта для решения проблем, которые невозможно решить с помощью традиционных методов»¹. В этом направлении основными функциональными задачами интеллектуального анализа речевых сигналов являются классификация, кластеризация, распознавание образов, прогнозирование и оценка, определение закономерностей, разработка методов и алгоритмов принятия решений, а также разработка приложений. К настоящему времени разработано множество приложений, основанных на технологии распознавания речевых сигналов. В зарубежных странах, в том числе в Китае, России, США, Англии, Германии, Индии, Франции и др., большое внимание уделяется решению теоретических и практических задач предварительной обработки речевых сигналов и распознавания речи.

В мире ведутся исследовательские работы по усовершенствованию и созданию методов и алгоритмов обработки речевых сигналов, выделения признаков речевых сигналов и распознавания речи, а также созданию вычислительных алгоритмов. В этой связи, важной задачей является разработка и усовершенствование алгоритмов распознавания, повышения качества речевых сигналов, определения области полезной речи в речевом сигнале и выделения его характерных признаков, а также создание речевых моделей и автоматизированных систем распознавания.

В Республике особое внимание уделяется разработке автоматизированных систем распознавания, интеллектуального анализа и предварительной обработки речи на узбекском языке. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены, в частности, задачи по «... внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, систему управления, ... обеспечению информационной безопасности и усовершенствованию систем защиты информации, организацию своевременного и адекватного реагирования на угрозы в сфере информации»². Для реализации данных задач важными проблемами развития информационно-коммуникационных технологий являются, в частности, создание систем идентификации личности на основе речевых сигналов, преобразования речи в текст и голосового управления. В этой связи, одним из важных задач является разработка методов и алгоритмов предварительной обработки речевых сигналов с учетом распознавания личности и определения

¹ https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Речевые_технологии:_на_пути_от_распознавания_к_пониманию

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

информативных признаков речевых сигналов, а также их применение в системах контроля доступа и анализа голосовых обращений.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, предусмотренных указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениями Президента №ПП-2898 от 18 апреля 2017 года “О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений”, №ПП-4024 от 21 ноября 2018 года «О мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты», а также другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий IV. “Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий”.

Степень изученности проблемы. Заслуживают внимания научные работы решения задач по разработке и усовершенствованию методов, алгоритмов и моделей предварительной обработки и распознавания речевого сигнала таких зарубежных учёных, как Михайлов В.Г., Сапожков М.А., Назаров М.В., Прохоров Ю.Н., Ланнэ А. А., Грэй А. Х., Маркел Дж.Д., Рабинер Л. Р., Ситняковский И.В., Шафер Р.В., Шалимов И.А., Петровский А.А., Ковалгин Ю.А., Итакура Ф., Рейдер Ч., Макхоул Дж и др.

В Узбекистане в развитие теоретических основ распознавания образов и анализа речевых сигналов внесли свой вклад М.М.Камилов, Ш.Х.Фазылов, Э.М.Алиев, М.М.Мусаев, Н.А.Игнатъев, С.С.Садыков, Н.С.Маматов, Н.М.Мирзаев, Ш.Е.Туляганов и другие учёные.

